

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 185385 на  
приобретение Текущи ремонту отоплительной системы Хвс, Гвс и канализации  
Республиканского специализированного музыкального академического лицея им  
В.Успенского**

**Способ проведения электронный**

Дата 15.11.2022

Время рассмотрения 15.11.2022 17:39

Закупочная комиссия Республиканский специальный Академический лицей им В.Успенского, (Далее – Комиссия) в составе:

|                              |                                   |                                                 |                                                                 |
|------------------------------|-----------------------------------|-------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------|
| <b>Член комиссии</b>         | RAXIMOV SIROJIDDIN NABIYEVICH     | Хисобчи                                         | Успениски номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби |
| <b>Председатель комиссии</b> | ZAIROV ZAIR KAMILDJANOVICH        | Директор                                        | Успенски номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби  |
| <b>Секретарь комиссии</b>    | TALIPOV MAXMUDJON SHARIFDJONOVICH | Молия иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари | Успениски номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби |
| <b>Член комиссии</b>         | IKROMOV JALOLIDDIN IKROMOVICH     | Бўлим мудири                                    | Успениски номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби |
| <b>Член комиссии</b>         | DIYAROV UMID RAVSHANOVICH         | Дастурчи мухандис                               | Успениски номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби |
| <b>Член комиссии</b>         | MUZAFAROVA GUZAL NASIROVNA        | Комендант                                       | Успениски номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.11.2022 года № лота 185385.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

|                                             |                                                                           |
|---------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------|
| <b>Наименование товара (работы, услуги)</b> | <b>Услуга по текущему ремонту отопления, Труб ГВС, ХВС, и канализации</b> |
| Подробное описание                          | Услуга по текущему ремонту отопления, Труб ГВС, ХВС, и канализации        |
| Количество товара                           | 1.00                                                                      |
| Единица измерения                           |                                                                           |
| Цена товара (услуги) за единицу             | 1561 668 339.00                                                           |
| Стартовая сумма                             | 1561 668 339.00                                                           |

Валюта

UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

**Критерий №1 Иштирокчи ташкилотнинг охирги З йиллик бажарган ишлари хақида маълумот.** (Асословчи хужжатлари илова қилиниши керак, бажарган ишлари суммалари йифиндисига асосан таққосланиб устунлик берилади)

Тип: Текстовое значение

Описание: - Иштирокчи ташкилотнинг охирги З йиллик бажарган ишлари учун – 0-10 балгача

Обязательность: Не критично

| Наименование участника            | Макс балл | Значение участника                                                     | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------------|-----------|------------------------------------------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 10        | Иштирокчи ташкилотнинг охирги З йиллик бажарган ишлари хақида маълумот | 8              | Экспертная |            |         |
| <b>MCHJ NICEHOUSE</b>             | 10        | 1560000000                                                             | 8              | Экспертная |            |         |

**Критерий №2 Иштирокчи ташкилот томонидан ишларни бажариш муддатига ва сифатли қурилиш материаллардан фойдаланишга кафолат хати ҳамда техник воситалари ҳақида маълумот.** (Кафолат муддати кўра таққосланиб балл берилади. Техник воситалар хужжатлари ва ижарага олинган бўлса, ижара шартномаси ҳам илова қилиниши керак)

Тип: Текстовое значение

Описание: - Иштирокчи ташкилот томонидан ишларни бажариш муддатига ва сифатли қурилиш материаллардан фойдаланишга кафолат хати учун – 0-5 балгача - Техник воситалари ҳақида маълумот учун – 0-5 балгача

Обязательность: Не критично

| Наименование участника            | Макс балл | Значение участника                                                                                                                                         | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------------|-----------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 10        | Иштирокчи ташкилот томонидан ишларни бажариш муддатига ва сифатли қурилиш материаллардан фойдаланишга кафолат хати ҳамда техник воситалари ҳақида маълумот | 8              | Экспертная |            |         |
| <b>MCHJ NICEHOUSE</b>             | 10        | 1560000000                                                                                                                                                 | 10             | Экспертная |            |         |

**Критерий №3 Иштирокчи ташкилотнинг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва малакали ишчи-ходимлари ҳақида маълумот.** (Иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар маълумоти 2021 йил якуни ва 2022 йил охирги ҳисобод даври бўйича ДСИ томонидан тасдиқланган бўлиши ва ишчи-ходимлар ҳақидаги маълумотлар “mehnat.uz” сайтидан олинган бўлиши керак. Олий маълумотли ходимлари сони ва иш стажларига қараб ҳам устунлик берилади)

Тип: Текстовое значение

Описание: - Иштирокчи ташкилотнинг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари маълумотномаси учун – 0-5 балгача - Малакали ишчи-ходимлари ҳақида маълумот учун – 0-10 балгача

Обязательность: Не критично

| Наименование участника            | Макс балл | Значение участника                                                                                                                | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------------|-----------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 15        | Иштирокчи ташкилотнинг иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва малакали ишчи-ходимлари ҳақида маълумот | 13             | Экспертная |            |         |
| <b>MCHJ NICEHOUSE</b>             | 15        | 1560000000                                                                                                                        | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №4 Иштирокчи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар, ташкилий тузилмаси, инсофсиз ижро чилар ягона реестрида йўқлиги ҳақида ва банкротлик ҳолатида эмаслиги, тузилган шартномаларга асосан арбитраж судларида иштироки йўқлиги ва тўловга қобилиятлилиги ҳақида маълумот ҳамда коррупция кўринишларига йўл қўймаслик ҳақида ариза. (Иштирокчи ташкилотнинг фаолият муддати таққосланиб устунлик берилади\*. Тўловга қобилиятсизлик жараёнлари бўйича иқтисодий ишлар юритилмаганлиги ҳақида маълумотнома тегишли ташкилотдан 2022 йил ноябр ойи холатига олинган бўлиши керак)

Тип: Текстовое значение

Описание: - Иштирокчи ташкилот ҳақида умумий маълумотлари (статистикадан юридик шахс тўғрисидаги маълумот, корхона гувоҳномаси, Низоми, таъсис шартномаси, ҚҚС тўловчиси гувоҳномаси, реквизит маълумотлари) учун\* – 0-10 балгача - Ташкилий тузилма схемаси, коррупция кўринишларига йўл қўймаслик ҳақида ариза, инсофсиз ижро чилар ягона реестрида йўқлиги ҳақидаги маълумотнома учун – 0-2 балгача - Банкротлик ҳолатида эмаслиги ва тузилган шартномаларга асосан арбитраж судларида иштироки йўқлиги ҳамда тўловга қобилиятсизлик жараёнлари бўйича иқтисодий ишлар юритилмаганлиги ҳақида маълумот учун – 0-3 балгача

Обязательность: Не критично

| Наименование участника            | Макс балл | Значение участника                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------------|-----------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 15        | Иштирокчи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар, ташкилий тузилмаси, инсофсиз ижро чилар ягона реестрида йўқлиги ҳақида ва банкротлик ҳолатида эмаслиги, тузилган шартномаларга асосан арбитраж судларида иштироки йўқлиги ва тўловга қобилиятлилиги ҳақида маълумот ҳамда коррупция кўринишларига йўл қўймаслик ҳақида ариза | 14             | Экспертная |            |         |
| <b>MCHJ NICEHOUSE</b>             | 15        | 1560000000                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №5 Иштирокчи ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида соликдан қарзи йўқлиги ҳақида маълумот ҳамда ҳисоб рақамида маблағи борлиги ва картотека-2 йўқлиги тўғрисида банқдан маълумот. (Ҳисоб рақамидаги маблағ 100 000 000 (юз миллион) сўмдан кам бўлмаслиги керак. Солиқ ва банқдан

олинадиган маълумотномалар санаси танлов эълонга берилган санадан бошлаб 5 иш куни ичида олинган бўлиши керак)

Тип: Текстовое значение

Описание: - Иштирокчи ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида солиқдан қарзи йўқлиги ва ҳисоб рақамида картотека-2 йўқлиги тўғрисидаги маълумотномалар учун – 0-5 балгача - Ҳисоб рақамида 100 000 000 (юз миллион) сўмдан кам бўлмаган маблағи борлиги учун – 0-10 балгача

Обязательность: Не критично

| Наименование участника            | Макс балл | Значение участника                                                                                                                                                                                           | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------------|-----------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 15        | Иштирокчи ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида солиқдан қарзи йўқлиги хақида маълумот ҳамда ҳисоб рақамида маблағи борлиги ва картотека-2 йўқлиги тўғрисида банкдан маълумот | 14             | Экспертная |            |         |
| <b>MCHJ NICEHOUSE</b>             | 15        | 1560000000                                                                                                                                                                                                   | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №6 Иштирокчи ташкилотнинг Қурилиш Вазирлиги томонидан соҳавий қурилиш пудрат ташкилотларига берган рейтинг кўрсаткичи хақида маълумот. (Рейтинг кўрсаткичига кўра таққослаб устунлик берилади)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи ташкилотнинг Қурилиш Вазирлиги томонидан соҳавий қурилиш пудрат ташкилотларига берган рейтинг кўрсаткичи хақида маълумот. (Рейтинг кўрсаткичига кўра таққослаб устунлик берилади) (Рейтинг кўрсаткичи учун – 0-15 балгача)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника            | Макс балл | Значение участника                                                                                                                 | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------------|-----------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 15        | Иштирокчи ташкилотнинг Қурилиш Вазирлиги томонидан соҳавий қурилиш пудрат ташкилотларига берган рейтинг кўрсаткичи хақида маълумот | 12             | Экспертная |            |         |
| <b>MCHJ NICEHOUSE</b>             | 15        | 1560000000                                                                                                                         | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №7 Иштирокчи ташкилотнинг салоҳияти ва охирги уч йилдаги молиявий натижалари тўғрисида маълумот. (Тасдиқланган ҳисоботлари илова қилиниши керак)

Тип: Текстовое значение

Описание: - Иштирокчи ташкилотнинг салоҳияти учун – 0-5 балгача - Охирги уч йилдаги молиявий натижалари учун – 0-5 балгача

Обязательность: Не критично

| Наименование участника            | Макс балл | Значение участника                                                                           | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------------|-----------|----------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 10        | Иштирокчи ташкилотнинг салоҳияти ва охирги уч йилдаги молиявий натижалари тўғрисида маълумот | 8              | Экспертная |            |         |
| <b>MCHJ NICEHOUSE</b>             | 10        | 1560000000                                                                                   | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №8 Иштирокчи ташкилотининг қурилиш таъмирлаш майдонини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумот ва бажариладиган ишларга ишланган офёрта. (Курилиш таъмирлаш майдонини кўздан кечирганлиги ва ўрганганлиги тўғрисидаги маълумот чизмалари, фотолари илова қилинган ҳолда буюртмачи ташкилот ваколатли вакили томонидан тасдиқланган ва бажариладиган ишларга ишланган офёрта иштирокчи ташкилот томонидан тасдиқланган бўлиши керак)

Тип: Текстовое значение

Описание: - Иштирокчи ташкилотининг қурилиш таъмирлаш майдонини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома учун – 0-5 балгача - Бажариладиган ишларга ишланган офёрта учун – 0-5 балгача

Обязательность: Не критично

| Наименование участника            | Макс балл | Значение участника                                                                                                                  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------------|-----------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 10        | Иштирокчи ташкилотининг қурилиш таъмирлаш майдонини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумот ва бажариладиган ишларга ишланган офёрта | 9              | Экспертная |            |         |
| <b>MCHJ NICEHOUSE</b>             | 10        | 1560000000                                                                                                                          | 5              | Экспертная |            |         |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника            | Стартовая сумма     | Предлагаемая сумма      | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения       | Оценка стоимости (балл) |
|-----------------------------------|---------------------|-------------------------|----------------------------------|------------------------|----------------------|------------------------|-------------------------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 1 561 668<br>339.00 | 1 554 797 759.00<br>UZS | 1 554 797<br>759.00              | 00.00                  | 1 554 797<br>759.00  | 15.11.2022<br>14:52:55 | 5                       |
| <b>MCHJ NICEHOUSE</b>             | 1 561 668<br>339.00 | 1 560 000 000.00<br>UZS | 1 560 000<br>000.00              | 00.00                  | 1 560 000<br>000.00  | 15.11.2022<br>15:20:32 | 4.98333                 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника            | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|-----------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| <b>ООО POLARIS BUSINESS GROUP</b> | 81.7                            | 5                              | 86.7          |

|                |      |         |          |
|----------------|------|---------|----------|
| MCHJ NICEHOUSE | 64.6 | 4.98333 | 69.58333 |
|----------------|------|---------|----------|

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 185385 от 15.11.2022 года на приобретение Текущий ремонт отопительной системы Хвс, Гвс и канализации Республиканского специализированного музыкального академического лицея им В.Успенского определила победителем:

ООО POLARIS BUSINESS GROUP  
301955424

и резервный исполнитель: MCHJ NICEHOUSE (308854782)

Проголосовали

| Комиссия                     | Ф.И.О.                        | Голосование | Комментарии |
|------------------------------|-------------------------------|-------------|-------------|
| <b>Председатель комиссии</b> | ZAIROV ZAIR KAMILDJANOVICH    | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | IKROMOV JALOLIDDIN IKROMOVICH | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | DIYAROV UMID RAVSHANOVICH     | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | MUZAFAROVA GUZAL NASIROVNA    | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | RAXIMOV SIROJIDDIN NABIYEVICH | Согласен    |             |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**185385 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

17.11.2022 19:57

Комиссия раиси:

ZAIROV ZAIR KAMILDJANOVICH

# Пудрат шартномаси № 004

18-ноябр 2022 йил

Тошкент шаҳри

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби номидан Низом асосида иш юритувчи директори З.К.Заиров бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “POLARIS BUSINESS GROUP” номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари А.А.Батиров иккинчи томондан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Махтумқули 71-да жойлашган В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби биноларининг иссиқ ва совуқ сув ҳамда канализация ва иситиш тизимларини жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куидаги тарифлар қўлланилади:

**“ижро хужжатлари”:** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

**“қурилиш майдони”:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**“вақтингчалик ишлар”:** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”:** Сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар.

**“шартномани нархини бўлиб чиқиши”:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Махтумқули 71-да жойлашган В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби биноларининг иссиқ ва совуқ сув ҳамда канализация ва иситиш тизимларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (**1-ноябр 2022 йилдаги электрон баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, ийғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **1 554 797 759. 00 (Бир миллиард беш юз эллик тўрт миллион етти юз тўқсан етти минг етти юз эллик тўққиз) сўм 00 тийинни ташкил этади.**

4. Қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ишларни бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтингчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилиш (жорий таъмирлаш)нинг давом этиши вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **30 кунни ташкил** этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 15% миқдорида, аванс ўтказади, бу **233 219 663.85 (Икки юз ўттиз уч миллион икки юз ўн тўққиз минг олти юз олтмиши уч)** сўм 85 тийинни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 100% гача доирасида амалга оширилади.

17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида сақлаб қолади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

24. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

25. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

26. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарida янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

27. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

### **IX. Ишларини қўриқлаш**

30. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлади.

31. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

32. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

33. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидар.

34. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш

35. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

36. Объектни фойдаланишга тайёрги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

37. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишида тасдиқлаши керак.

38. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

39. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;
- обьектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

40. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

41. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

42. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

43. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

44. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

45. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

46. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

47. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

48. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

49. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

50. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

51. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

52. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

53. Пудратчи объекtnи ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

54. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

55. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод этмайди

56. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни қоплади.

57. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

58. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

59. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

60. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

61. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолангандан бўлса хақиқий ҳисобланади.

62. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

63. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

64. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

65. Шартномани амал килиш муддати 2022 йил 31-декабргача.

### XVII. Коррупцияга қарши келишув

66. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши қурашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари, пурратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлади.

67. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

68. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

69. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган заарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган заарлар қоплашни талаб қилишига хақли эмас.

### XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари:

#### **“ПУДРАТЧИ”**

**«POLARIS BUSINESS GROUP»  
масъулияти чекланган жамияти**

Манзил: Фарғона вилояти, Куба тумани,  
А.Навоий 42-үй  
Банк: АТБ «Qishloq Qurilish Bank» Куба БХО  
Х/Р: 2020 8000 9049 0758 7001  
Банк коди: 01037; СТИР: 301 955 424  
ИФУТ: 41201  
ҚҚС: 330 110 024 781  
Тел.: (+998 97) 040-08-80  
Факс: (+998 73) 315-11-00



А. А. Батиров

#### **“БУЮРТМАЧИ”**

**В. Успенский номидаги Республика  
иҳтисослаштирилган мусиқа мактаби**

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани,  
Махтумкули 71-үй  
Тел./факс: (+998 71) 233-15-87  
ШФХ: 100010860262697092100056001  
СТИР: 200540605 ОКЭД: 92310  
Молия вазирлиги ғазначилиги  
ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010  
Банк: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)  
Банк коди: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг  
СТИР: 201 122 919



Директор: 3. К. Заиров

#### **Хуқуқий хулоса**

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсульт R. Григорьев



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"POLARIS BUSINESS GROUP" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektiining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

"POLARIS BUSINESS GROUP" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.05.2011

1260

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

301955424

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Farg`ona viloyati, Quva tumani, Quva, NAVOIY KO'CHASI 42-UY,

Guvochnoma:

Farg`ona viloyati, Quva tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



O'zbekiston Respublikasi  
Farg'ona viloyati  
Quva tumani  
«POLARIS  
BUSINESS GROUP»  
Mas'uliyati cheklangan  
jamiyati



Общество с ограниченной  
ответственностью  
«POLARIS  
BUSINESSGROUP»  
Кувинский район  
Ферганская область  
Республика Узбекистан

Farg'ona viloyati Quva tumani A.Navoil ko'chasi 42-uy; H/raqam: 2020 8000 9049 0758 7001, "Qishloq Qurilish Bank" ATB, Bank kod: 01037, STIR: 301 955 424  
Tel.: (+998) 97 040-08-80, (+998) 90 040-08-80, Tel./fax: (+998) 73 315-11-00, Telegram: (+998) 97 815-11-00, E-mail: polaris\_business\_group@mail.ru  
Ферганская область Кувинский район улица А.Навоий дом-42; Р/счет: 2020 8000 9049 0758 7001, АКБ "Кишлок Курилиш Банк", МФО: 01037, ИНН: 301 955 424  
Тел.: (+998) 97 040-08-80, (+998) 90 040-08-80, Тел./факс: (+998) 73 315-11-00, Телеграм: (+998) 97 815-11-00, Эл.почта: polaris\_business\_group@mail.ru

№ 138  
18-ноябр 2022 йил

В.Успенский номидаги Республика  
ихтиослаштирилган мусиқа мактаби  
харид комиссиясига

### Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича АРИЗА

Ушбу хат билан "Polaris Business Group" маъсулияти чекланган жамияти Сизга  
а):

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ 684-сонли Конуни талабларига риоя этиш;
  - Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қиласлик, бермаслик ёки беришга розилик билдириласлик;
  - рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилланганлик ҳолларига йўл қўймаслик;
  - фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;
  - ёлғон ёки соҳта ҳужжатларни тақдим этмаслик, айни битта лотда иштирок этган аффилланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;
- б):
- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;
  - нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузуб кўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил биритирмаслигини тасдиқлайди.

"Polaris Business Group"  
МЧЖ раҳбари:



Батиров